



140704, Ishtixon shahri, Ishtixon ko'chasi 4-uy
Tel.: (0-366) 629-15-10, faks (0-366) 629-11-54

140704, г.Иштыхан ул. Иштыханская д.4,
Тел: (0-366) 629-15-10, факс (0-366) 629-1154

20 16.г. 12 сентябрь

№ 2596-19

Тумандаги "Одил" МФЙ "Одил" кишлоғи
худудидан давлат хусусий шерикчилик асосида
"Болалар боғчаси" куриш учун Ирмухамедова
Баҳоройга ер майдони ажратиш тўғрисида

Ishtixon sh.-г.Иштыхан

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор мажлиси баёнини ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.04.2018 йилдаги "Мақтабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3651-сонли Қарорини ижросини таъминлаш мақсадида тузилган туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масаларини кўриб чиқувчи комиссия аъзоларининг далолатномасини кўриб чиқиб Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"ни 36- моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор мажлиси баёни маълумот учун қабул қилинсин. туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) масаларини кўриб чиқувчи комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.
2. Фуқаро Ирмухамедова Баҳоройга "Одил" МФЙ "Одил" кишлоғи худудида жойлашган туман ҳокимлиги захира фонди ҳисобидаги 465-контур ер майдонидан 50 (эллик) ўринли давлат хусусий шерикчилик асосида "Болалар боғчаси" куриш учун 0.15 гектар ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.
3. Фуқаро Ирмухамедова Баҳоройга ажратилган ер майдони бўйича белгиланган тартибда вилоят экология экспертизасидан экологик хулоса олиш, лойиҳа олди ва лойиҳа хужжатларини тайёрлатиш ҳамда тегишли ташкилотларнинг рухсати олингандан сўнг, курилиш ва ободонлаштириш ишларини бошлаш вазифаси юклатилсин.
4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи в.в.б(М.Примов)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ўзидаги хужжатларга ўзгартириш киритиш, туман бош архитектори (И.Азимов)га "Болалар боғчаси" бино иншоотлари курилишни лойиҳа асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.
5. Туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси (Х.Астанов)га ушбу ер майдонини Давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.
6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари У.Исламов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Ш.Негматов